# ҚИШЛОҚ ҲАЁТИ

Ўзбекистон Республикаси ижтимоий-иқтисодий газетаси

1974 йил 1 январдан чиқа бошлаган

Qishloq HAYOTI

2001 ЙИЛ 9 ноябр, ЖУМА

№ 134 (6.347). Сотувда эркин нархда



## АЗИЗ МУШТАРИЙ!

"Қишлоқ ҳаёти" Сизга ишда, ўқишда, оила даврасида энг яқин ҳамдам, ҳамфикр ва маслаҳатгўй. Газетамизга 2002 йил учун обуна бўлишни унутманг! Бизнинг индекс: 144.


## КУННИНГ МУҲИМ ВОҚЕАЛАРИ

● **Самарқанд ва Жиззахда вилоят хўжаликларида кузги-қишки тадбирларнинг амалга оширилишига бағишланган йиғилишлар бўлиб ўтди. Йиғилишларда бу ишларни амалга оширилиши юзасидан аниқ чора-тадбирлар белгиланди ва ушбу тадбирлар билан боғлиқ баъзи масалалар муҳокама қилинди. Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазири Т.Холтоев иштирок этди.**

● XXI асрда таълим қандай бўлиши керак, янги аср кадрлар тайёрлаш тизимига қандай талаблар қўймоқда? Республика олий ўқув юртлари раҳбарларининг Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигида ўтказилган учрашувида шу ҳақда сўз борди.

● **Республика Таълим марказида умумий ўрта таълим муассасалари учун янги дарслик ва ўқув қўлланмалари яратишга бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Унда ўқитувчилар, мутахассислар, дарсликлар муаллифлари ва етакчи нашриётларнинг вакиллари иштирок этди.**

● Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясида бўлиб ўтган республика семинарида мамлакатимизда фотоэнергетиканинг аҳволи ва ривожланиш истиқболлари муҳокама қилинди. Унда қуёш энергиясидан фойдаланиш технологияларини ишлаб чиқиш билан шуғулланувчи олим ва мутахассислар қатнашди.

● **Когон шаҳрида яшовчи 15 ёшли Илҳом Соатов Бокуда ўтказилган бокс бўйича ўсмирлар ўртасидаги жаҳон чемпионатида учинчи ўринни эгаллаб, бронза медали соҳиби бўлди.**

● Навоий вилоятининг Қизилтепа туманидаги «Умид-2001» ишлаб чиқариш фирмасига тадбиркор йигит Самандар Муҳаммедов раҳбарлик қилади. Яқинда бу жамоа аъзолари қудуқларни таъмирлаш цехини ишга туширди. Натижада яна 5 киши иш билан таъминланди.

● **Бухородаги 18-асрда бунёд этилган Болоҳовуз масжид-мажмуининг қарийб 15 метрлик минораси ён томонга оғиб қолган эди. Яқинда бухоролик таъмирловчилар минорани инженер Владимир Шухов усули билан аслига қайтарди.**

## АГРОТЕХНИКА ТАДБИРЛАРИ ЎЗ ВАҚТИДА АМАЛГА ОШИРИЛСИН

***Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигида Вазирлар Маҳкамасининг «2002 йил ҳосили учун кузги-қишки агротехника тадбирларини ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорининг ижросини таъминлаш масалаларига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.***

Унда тегишли вазирлик ва ташкилотлар раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазири, вилоятлар ҳокимларининг биринчи ўринбосарлари, ҳудудий машина-трактор парклари бошлиқлари иштирок этди.

Йиғилишни Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси И.Жўрабеков бошқарди.

Кун тартибидаги масала юзасидан қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг биринчи ўринбосари С.Бегалиев, «Ўзагромашсервис» уюшмаси раиси Ш.Нишоновнинг ахбороти тингланди.

Йиғилишда алоҳида таъкидландики, қишлоқ хўжалигида Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётган ислоҳотлардан бош мақсад - қишлоқда бозор муносабатларини мустаҳкамлаш, деҳқонларда ерга, ўз меҳнатига эгалик ҳиссини қарор топтиришдан иборатдир.

Бу йил мамлакатимизда иқлим деҳқончилик учун бирмунча ноқулай келди. Лекин миришкорларимиз тўпланган бой тажрибаларига таянган ҳолда мўл ҳосил етиштиришга эришдилар. Буни Андижон ва Тошкент вилояти пахтакорлари эришган ғалабадан ҳам билса бўлади. Бугунгача 3 миллион 270 минг тоннадан кўпроқ пахта давлат қабул омборларига етказиб берилди. Ғаллакорларимиз уйган хирмон эса 3 миллион 334 минг тоннадан ошиб кетди.

Афсуски, барча жойда ҳам мавжуд имкониятлардан тўлиқ фойдаланилди, деб бўлмайди. Жойларда жорий йил ҳосили учун кузги-қишки тадбирлар, хусусан, шудгорлашга етарлича эътибор берилмасдан, жиддий нуқсонларга йўл қўйилди. Ер сифатсиз ағдарилиб, экиш муддати чўзиб юборилди. Пировард натижада эса далалардан кўнгилдагидек ҳосил кўтариш имкони бўлмади.

Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил ҳосили учун кузги-қишки тадбирларнинг ўз вақтида, сифатли ўтказилишини таъминлаш, келгуси йилда пахта, дон ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларидан мўлжалланган ҳосилни олиш учун зарур шарт-шароит яратишга қаратилган қарорида барча тадбирлар очиқ-ойдин белгилаб берилган.

Йиғилишда ҳосилдан бўшаган майдонларни ғўзадан тозалаш, шудгорлаш, далаларни ўз вақтида текислаш, ерларнинг шўрини ювиш ҳамда техникани мавсумга шайлаш билан боғлиқ масалалар батафсил муҳокама қилинди. Бу борада мутасадди раҳбарларга тегишли топшириқлар берилди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Т.Алимов, Бош вазир ўринбосари, қишлоқ ва сув хўжалиги вазири Т.Холтоев иштирок этди.

**(ЎзА)**

## ЧАШМАСИДАН СУВ ИЧАР ШАҲАР



**Нурота шаҳрига бежизга ана шундай шоирона таъриф беришмайди. Чунки бу ердаги ноёб чашма сувидан одамлар минг йиллардан буён фойдаланиб келишади. Бу ердаги "Чашма" тарихий мажмуи мустақиллик йилларида қайта таъмирланиб, гавжум зиёратгоҳлардан бирига айланди.**

**СУРАТДА: мажмуанинг умумий кўриниши.**

Бахтиёр АКРАМОВ олган сурат.

## МУҚАДДАС БУРЧ

***Жорий йилнинг 2 октябрида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси «Ҳарбий ва муқобил хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган шахсларни Қуролли Кучлар сафларидан захирага бўшатиш ҳамда фуқароларни муддатли ҳарбий ва муқобил хизматга навбатдаги чақириш тўғрисида» қарор қабул қилди. Республика Мудофаа вазирлигининг масъул ходими, полковник Ботир Мирзамуҳамедов билан суҳбатимиз ушбу қарорнинг ижроси ҳақида бўлди.***

- Вазирлар Маҳкамасининг мазкур қарорида 1974-1983 йилларда туғилган, чақириқ муддатини узайтириш ҳуқуқига эга бўлмаган Ўзбекистон Республикаси фуқароларини жорий йилнинг октябр-ноябр ойларида муддатли ҳарбий ва муқобил хизматга чақириш кўзда тутилган,- дейди Б.Мирзамуҳамедов. - Ҳукумат қарорига мувофиқ бу борада мудофаа вазирининг ҳам тегишли буйруғи эълон қилинди.

Ҳозирги кунда республикамизда фуқароларни муддатли ҳарбий ва муқобил хизматга навбатдаги чақириш мана шу ҳужжатлар асосида ўтказилмоқда. Жойларда фуқароларни Қуролли Кучлар сафларига тайёрлаш ва чақиришдек масъулиятли вазифа билан туман, шаҳар мудофаа ишлари бўйича бўлимлар шуғулланмоқда. Мудофаа ишлари бўйича барча бошқарма ва бўлимларнинг чақириш комиссиялари ўз фаолиятини белгиланган муддатда бошлаб юборди. Комиссиялар ишига ҳокимликлар вакиллари, мудофаа ишлари бўйича бошқарма ва бўлимлар раҳбарияти, ички ишлар бошқармалари, жамоат ташкилотларининг намояндалари ва тиббиёт ходимлари жалб этилган.

Республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан биргаликда чақириш участкалари зарур тиббий асбоб-анжомлар билан ўз вақтида таъминланиб, чақирилувчилар лаборатория ва турли ихтисосликдаги юқори малакали врачлар томонидан текширувдан ўтказиляпти. Натижада Қуролли Кучларимиз сафларига соғлом, жисмонан бақувват, руҳан баркамол ёшлар танлаб олинмоқда.

Бу йилги кузги чақирувнинг юқори даражада ўтказилишига қаратилган муҳим чора-тадбирлар ишлаб чиқилди. Хусусан, Тошкентдаги Марказий офицерлар уйида Мудофаа, Соғлиқни сақлаш ва Ички ишлар вазирликлари, Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмита раҳбарлари, вилоятлар чақириш комиссиялари раислари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бошқармалари ҳамда мудофаа ишлари бўйича бўлимларнинг бошлиқлари иштирокида кенгаш ўтказилди. Унда фуқароларни муддатли ва муқобил хизматга баҳорги чақиришнинг якунлари батафсил таҳлил қилинди. Тадбирда чақирув комиссиялари томонидан амалга оширилаётган ижобий ишлар таъкидланиши билан бир қаторда, улар фаолиятидаги баъзи камчиликларни бартараф этиш йўлларига эътибор қаратилди. Фуқароларни Қуролли Кучлар сафларига чақириш сифатини янада яхшилашга оид тадбирларни амалга ошириш бўйича режа ишлаб чиқилди. Унга мувофиқ Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан ҳамкорликда Қуролли Кучларда тиббий текширув тўғрисидаги низомга ўзгартишлар киритилди. Бу ўзгартишлар муддатли ҳарбий хизматга чақирилувчи ёшларнинг соғлиғига бўлган талабни янада ошириш имконини беради.

**ДОЛЗАРБ МАВЗУ**

Мудофаа вазирининг буйруғи билан вазирлик ва ҳарбий округларда тезкор ишчи гуруҳлари тузилиб, уларнинг таркибига Соғлиқни сақлаш вазирлигининг вакили ҳам киритилди. Бу ишчи гуруҳларининг асосий мақсади фуқароларни муддатли ҳарбий ва муқобил хизматга чақиришни ташкил этиш ва ўтказиш масалаларида амалий ёрдам бериш, чақиришни амалга ошириш жараёнида мудофаа ишлари бўйича бошқармалар ва бўлимларнинг ҳокимликлар, ички ишлар, соғлиқни сақлаш органлари билан ўзаро ҳаракатини уйғунлаштиришдан иборатдир.

**- Ёшларни ҳарбий хизматга чақириш ишлари қайси вилоятларда, айниқса, яхши йўлга қўйилган?**

- Чақирилувчиларни Қуролли Кучлар сафларига жўнатиш ишлари барча вилоятларда бугунги кун талаби даражасида ташкил этилмоқда. Бу иш Наманган, Хоразм ва Фарғона вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳрида, айниқса, намунали олиб борилябти. Маҳаллий ҳокимликлар, жамоат ташкилотлари ва корхоналарнинг вакиллари ўз ҳамюртлари хизмат қилаётган ҳарбий қисмларга доимий равишда ташриф буюрмоқда. Улар билан қисм командирлари ўртасида ҳарбий қисмларга оталиқ ёрдами кўрсатиш бўйича ҳамкорлик йўлга қўйилган.

Конституциямизнинг 52-моддасида «Ўзбекистон Республикасини ҳимоя қилиш - Ўзбекистон Республикаси ҳар бир фуқаросининг бурчидир. Фуқаролар қонунда белгиланган тартибда ҳарбий ёки муқобил хизматни ўташга мажбурдирлар», деб ёзиб қўйилган бўлишига қарамасдан, айрим ёшлар орасида сабабсиз равишда ҳарбий хизматдан бўйин товлаш ҳоллари оз бўлса-да, учраб турибди. Бундай кўнгилсиз ҳоллар нафақат биз ҳарбийларни, балки кенг жамоатчиликни ҳам ташвишлантирмоқда. Ҳозирда бу йўналишда маҳаллий ҳокимликлар, ички ишлар бўлимлари ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда зарур чора-тадбирлар кўриляпти.

Айни вақтда жойларда бу борада камчилик ва нуқсонлар ҳам йўқ эмас. Масалан, Самарқанд ва Тошкент вилоятлари чақириш комиссияларининг ишини талаб даражасида, деб бўлмайди. Тошкент шаҳрининг Бектемир туманида, Қашқадарё вилоятининг Қарши ва Навоий вилоятининг Учқудуқ шаҳарларида эса чақириш участкалари йўқлигини қандай изоҳлаш мумкин?

Навоий, Жиззах туманлари, Сирдарё вилоятининг Гулистон шаҳри, Тошкент вилоятининг бир қатор туманларининг чақириш комиссиялари зарур тиббиёт асбоб-анжомлари ва жиҳозлар билан ҳанузгача таъминланмаган. Бугунги кунда ҳокимликлар билан биргаликда юқоридаги камчиликларни бартараф этиш юзасидан зарур чора-тадбирлар кўрилмоқда.

Таъкидлаш жоизки, ҳозир ёшларни Қуролли Кучлар сафларига чақириш ва жўнатиш ишлари ўзининг якунловчи босқичига кирди. Шу кунгача ёшларнинг 85 фоизи ҳарбий қисмларга жўнатилди.

Шонли армиямиз сафида хизмат қилиш - бу ҳар бир ёшнинг фахрли ва шарафли бурчидир. Аждодларимиз анъаналарини давом эттирувчи, халққа, Ватанга содиқ, жисмонан тетик, руҳан баркамол авлодни Қуролли Кучлар сафларига жалб қилиш бизнинг асосий вазифамиз. Зеро, армиямиз, Қуролли Кучларимиз Ўзбекистон Республикаси миллий хавфсизлигининг, давлат суверенитети ва ҳудудий яхлитлигининг, халқимиз тинчлиги ва осойишталигининг муҳим кафолатидир.

**Турсунбой БОТИРБЕКОВ,**
**ЎзА мухбири.**

## ЮНФПА маърузасининг тақдимоти

***Тошкентда БМТ Аҳолишунослик жамғармасининг (ЮНФПА) ҳар йилги маърузаси тақдимоти бўлиб ўтди.***

ЮНФПА мутахассислари тахминларига кўра, 2050 йилга келиб сайёрамиз аҳолиси 9,3 миллиард кишини, жумладан, Ўзбекистон аҳолиси 40,4 миллион кишини ташкил этади. Ер шари аҳолисининг ўсиши турмуш сифатига ҳам ўз таъсирини ўтказмай қолмайди. Шу сабабли ЮНФПА тадқиқотлар ўтказиш ва тахминлар қилиш билан бирга, Ер шари аҳолисининг кўпайиши оқибатида юзага келадиган муаммоларни ҳал этиш йўлларини ҳам таклиф этмоқда.

ЮНФПАнинг Ўзбекистондаги минтақавий директори ва вакили Константин Соколовнинг қайд этишича, ЮНФПАнинг Ўзбекистондаги бўлими республика ҳукумати ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан яқин ҳамкорликда фаолият юритмоқда. Ўзбекистон репродуктив саломатлик уюшмаси эса жамғарманинг ижрочи агенти ҳисобланади. Чунончи, жорий йилнинг 19 сентябрида Аҳолишунослик жамғармаси ва Ўзбекистон ҳукумати бир йилга мўлжалланган ва ЮНФПА томонидан молиялаштириладиган «Ўсмирлар учун ишонч кабинети», деб номланган янги лойиҳани амалга ошириш тўғрисидаги битимни имзолади.

**(ЎзА)**

## МУЛК СОҲИБИ

***Яқинда Оққўрғон туманида бўлиб чорва қишловининг бориши билан танишдик. Аввал бошдан таъкидлаш керакки, соҳа мутахассислари тармоқни ривожлантириш, мавсумни муваффақиятли ўтказиш учун имкон қадар самарали меҳнат қилишмоқда.***

Бизга ҳаммадан ҳам тумандаги "Озод" ширкат хўжалиги ҳудудида фаолият кўрсатаётган Карим Темирбоев номли хусусий чорвачилик мажмуининг ишлари маъқул келди. Жамоа аҳли эришаётган натижаларни таҳлил қилар эканмиз, уни ҳар жиҳатдан ривожланиб бораётганлигини гувоҳи бўлдик. Ҳолбуки, шароит ва имконият жиҳатидан деярли бир-биридан фарқ қилмайдиган бошқа хусусий чорвачилик жамоаларида қўлга киритилаётган муваффақиятлар бу қадар эмас. Чорвачиликни мураккаб ва нозик соҳа эканлигини назарда тутиб, ютуқларнинг омили нимада экан деган ўй кечди, дилимиздан.

**ЖАРАЁН**

-Ҳаммаси, аввало, меҳнатга боғлиқ, - дейишди бизга ҳамроҳ бўлган мутассадилар. – Лекин етакчи ҳам кўп нарсани ҳал қилар экан. Шу ферма ёш тадбиркор Ботир Омоновнинг қўлига ўтгандан кейин тамом гуриллаб кетди. Ўзиям тиним билмай астойдил ишлайдиган йигит. Афсуски, ўша куни раҳбар билан учрашиб суҳбатлашиш имкони топилмади. Сабаби, Самарқанд қишлоқ хўжалик олийгоҳини тамомлаган Ботиржон яна Мирзо Улуғбек номли миллий дорилфунуннинг халқаро иқтисодий муносабатлар куллиётида сиртдан ўқишни давом эттирмоқда экан. Шу кунларда қишки имтиҳонларни топшириш билан банд, лекин ҳар куни кечаси ва эрта тонгда бирров келиб чорвадан хабар олиб кетмаса кўнгли тинчимайди, дейишди унинг қўл остидаги ишчилари.

Эртасига таҳририятга ўрта бўйли, ораста кийинган бир йигит кириб келди. Ўзига хос салобатга эга, бутун вужудидан куч-қувват ёғилиб турибди. Ўзини оққўрғонлик Ботир Омонов деб таништиргач, дарров гапимиз қовиша қолди. У раҳбарлик қилаётган жамоа кўрсаткичлари билан танишганлигимиз учун, саволни кўпайтирмадик. Яна ютуқлар омили ҳақида сўрадик.

(Давоми 2-бетда)

**ШИЖОАТ**

***Кейинги йилларда Ҳазорасп туманидаги "Ҳазорасп" ширкат хўжалиги буткул қолоқлик ботқоғига ботган, шартномавий режалар бажарилмасдан аро йўлда қолар, барча тармоқдан миллионлаб зарар кўрилганидан меҳнаткашларнинг ишдан қўллари совиб кетганди.***

## ҚУТЛУҒ ҚАДАМ

Ахир йил-ўн икки ой тер тўкиб, якунда чўнтак қаппайтирадиган пул олмасанг, ишлашдан не мақсад?!

Биргина мисол: ўтган хўжалик йилида асосий экин пахта сотиш режаси аранг олтмиш фоиздан ошганди, холос. Буни айримлар сув тақчиллиги билан хас-пўстлашга уринишди. Йўқ, гап бошқа ёқда экан...

Гарчи, баҳорнинг ўрталари бўлса-да, экишга киришилган бир пайтда туман раҳбарияти қатъий қарорга келди – хўжалик раҳбарини алмаштириш керак. Маслаҳатлашувлардан сўнг кўпчиликнинг фикри бир ердан чиқди – Ёқуббой Қутлимуродов номзодида тўхташди.

Янги раис ишни барча мутахассислар, ижарачилар билан маслаҳатлашишдан бошлади. Экишни ўз вақтида сифатли ўтказиб олиш, тўлиқ ниҳол ундириш бош вазифа қилиб белгиланди. Янги раиснинг тиришқоқлиги, ҳамма билан тил топишиб кета олиши, дала бошидан кеча-кундуз кетмаслигидан руҳланган ижарачилар, механизаторлар яктан бўлиб ишладилар – ишлар ўнгланиб кетса, кузда мўл даромад олсак, рўзғоримиз бутун бўлади, деб орзу қилишди ва янглишмадилар.

Тўғри, бу йил ҳам воҳада сув тақчиллиги сезилди. Бунинг олдини олиш чора-тадбирлари ўз вақтида кўрилди, кўп ҳолларда зовур ва бошқа оқова сувлардан ҳам фойдаланилди. Зарур жойларга ариқлар қазилди, насослар ўрнатилди.

(Давоми 2-бетда)

## САИД АҲМАДНИНГ ЧОРБОҒИ

### КУЙГАНЁР. "ҚИРҚ БЕШ КУН"

***Бир гал машҳур шоиримиз айтмоқчи, "водийларни яёв кезиб" юриб, Куйганёрга бориб қолдик. Бу ер халқ орасида "Қизил кўприк" номи билан машҳур. Бош тўғон ҳам шу ерда. Оқсоч Тян-Шан тоғларидан оқиб тушаётган Қорадарё "Қизил кўприк"нинг шундоқ этагида жиловланиб, Катта Фарғона каналига сув узатади.***

Бундан салкам 62 йил муқаддам кетмон, чўкичлар билан бор-йўғи қирқ беш кунда қазилган 270 километрлик бу канал ўзбек халқининг улкан жасорати тимсоли саналади. Тарих ҳали бунақасини кўрмаган эди. Фарғонадаги қанчадан-қанча бўз ва қўриқ ерларга жон бағишлаган, боғ-роғларга буркаган бу канал ҳақида достонлар битилган, китоблар ёзилган, фильмлар яратилган. Ўзбекистон халқ ёзувчиси, ҳужжатли асарлар устаси, марҳум Йўлдош Шамшаровнинг "Дарёлар" очерки ва "Тошқин" қиссаси худди шу улкан сув иншооти бунёдкорлари ҳаётидан ҳикоя қилади. Ардоқли адибимиз, Ўзбекистон Қаҳрамони Саид Аҳмад қаламига мансуб "Уфқ" трилогиясининг яхлит бир китоби "Қирқ беш кун" ҳам худди шу канал ҳақида...

**ЭССЕ**

Дарвоқе, Саид Аҳмад домла мазкур рўмонни шундоқ Қорадарё билан каналнинг ўртасида бир чорбоғ тиклаб, ана шу ерда ёзганлар.

Ё етмиш учинчи ё етмиш тўртинчи йилнинг авжи саратон палласи эди. Кеч оқшом. Ҳовлимиздаги бир туп тут остида юлдузларга термулганча хаёл суриб ётсам, тутнинг шундоқ қўл етарли жойига илиб қўйилган радиокарнайдан Саид Аҳмад домланинг таниш овозлари эшитилиб қолди. Шошиб ўрнимдан туриб карнай овозини баландлатдим.

(Давоми 4-бетда)

**БЕШИНЧИ ҚАВАТДА БЕШ ДАҚИҚА СУҲБАТ**

***Сиз бу инсонни яхши танийсиз. Йигирма уч йилдирки, у телевидение ва радио орқали "Халқаро панорама", "Бугун оламда нима гап", "Дунё воқеалари", "Юзма-юз", "Тинчлик қадри", "Жаҳон", "Харита" каби бир қатор кўрсатув ва эшиттиришлари билан мухлислари қалбидан жой олиб улгурган.***

## "ЖУРНАЛИСТ ТОПҚИР ВА ҲОЗИРЖАВОБ БЎЛИШИ КЕРАК"

Гап ким ҳақида бораётганини тушуниб етдингиз чамамда. Баракалла! Дарҳақиқат, бугунги меҳмонимиз таниқли журналист, халқаро шарҳловчи Қобилбек Каримбеков бўладилар.

**-Қобилбек ака, таҳририятимизга хуш келибсиз. Суҳбатимиз аввалида, бироз кеч бўлса-да, Истиқлолимизнинг ўн йиллиги арафасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонига кўра "Шуҳрат" медалига сазовор бўлганингиз билан муборакбод этамиз!**

-Ташаккур.

**-Таомилга кўра. Сизнинг "беш" рақамига муносабатингизни билиб қўйсак.**

-Ростдан ҳам "беш"ни ёқтираман. Мактабдан беш олмай қайтган куним уйқум келмасди. "Беш"да хосият кўп-да. Мамлакатимизнинг бозор иқтисодиётига ўтиши ҳам беш тамойилга асосланади. Навоий бобомиз ҳам беш достондан иборат шоҳ асарни бежиз яратмаганлар. Хуллас... Ҳар кимнинг иши "беш" бўлганига нима етсин.

**-Энди суҳбатимизни бутун дунё афкор оммаси диққат-эътиборидаги масалага қаратсак.**

-Терроризм муаммосини назарда тутяпсиз, чамамда!

**-Албатта, ана шу балои азимга қарши кенг миқёсда олиб борилаётган кураш борасидаги шахсий нуқтаи назарингиз барча учун қизиқарли.**

(Давоми 4-бетда)

ХАЛҚ БАНКИ - ОИЛАВИЙ ФАРОВОНЛИГИНГИЗ ГАРОВИ!




## НОЎРИН АРАЗ

***Бўз қишлоқлик ака-ука Ражаббой ва Матназарни қўшни Тошҳовуз вилоятидаги қариндошлари тўйга айтишибди.***

Қариндошлардан ҳар бири биттадан қўчқор олиб йўлга чиқадилар. Улар тўйхонага яқинлашгач, санъаткорларга қанчадан пул қистиришларини маслаҳатлашиб олдилар.

-Мен қўшиқчиларга 200 сўм бераман, - деди Ражаббой бобо ҳамёнини ҳисоблаб кўраркан. – Келиннинг кўрдисига ҳам пул керак бўлар, - қўшиб қўйди у.

Матназар ҳам шунга яқин миқдордаги пулни ажратиб кўкрак чўнтагига солди. Ёшига қараб, ака давранинг бошидан, укаси эса ўртароғидан жой олишди. Бир пайт қизиқ ҳолат рўй берди. Туркманларда тўйбоши ким қанча пул берса, эълон қилиб тураркан. Навбат Ражаббойга келганда ўртакаш баланд овоз билан деди:

-Дурдиқилич(тўй эгаси)нинг Хоразмдан галан дўғони бахшига саккиз минг пул верди.

Буни эшитган Матназар "пул кетса кетсин, обрў кетмасин" деб бор пулини ҳисоблаб кўрса кам. Яхшиси номи айтилмагани маъқул. Ука шу ўй билан секин даврани тарк этди. Тўйдан қайтишаркан, Матназар акасига гина қилди: шунча пулингиз бор экан, тўғрисини айтиб қўя қолсангиз бўлмасмиди? Акаси эса унга ҳақиқатдан ҳам 200 сўм берганини, қанчалик тушунтиришга уринмасин, у хафачиликдан қайтмабди.

Кейинроқ билсак, даврабоши адашиб, кўпроқ айтиб юборган экан...

**Холмурод ҚУРБОНОВ.**
**Хоразм вилояти.**

## "ЧАЛА САРТАРОШ"

***Иқболжон мактабни битирди-ю, қайси касбни эгалласам экан, деб дўстларидан маслаҳат сўради.***

Ўртоқлари унинг устидан кулиб, бири "раис бўл" деса, яна бошқаси "милиция бўл" деди. Жўраларидан хафа бўлган Иқболжон "Сенлардан маслаҳат сўраган мен ҳам ахмоқ" деди-ю, қўшни қишлоқлик Боймирза сартарошдан иш сўради. Боймирза ака ҳам ўйлаб ўтирмай уни шогирдликка олди. Бошида ҳаммаси кўнгилдагидек кетаётган эди. Устоз ҳам янги шогирддан хурсанд.

Кунларнинг бирида уста шаҳарга бориб келишини, келгунича сартарошхонани очиб туришини Иқболжонга тайинлаб кетди. Иқболжон устозига "хўп" деди-да, "якка ҳокимлик"ни қўлига олди.

Бир оз вақт ўтгач сартарошхонага бирин-кетин мижозлар кела бошлади.

-Ўғлим, бу соқол қурғур жуда ўсиб кетибди-да, текислаб ташласанг. Олишни биласанми ўзи? - деди бир отахон.

Бу гап Иқболжонга қаттиқ тегиб кетди шекилли:

-Кўнглингиз тўқ бўлсин отахон, - деди бироз ранжиб.

Хуллас у шу куни уч-тўрт кишининг соқолини "текислади". Чўнтагига ҳам беш-олти сўм тушди. Ўзиям устозига роса мақтанадиган бўлди-да, мана бизнинг ҳам ишни кўриб қўйинг деб. Эрта тонгда шу хаёллар билан ишхонасига келар экан, сартарошхона ёнида кечаги "мижоз"ларини кўриб ҳайрон қолди. Қизиқ уларнинг ҳаммаси юзларини рўмолча билан ёпиб олишган. Боймирза аканинг асаби таранг.

-Иқболжон нималар қип қўйдингиз, буларнинг юзига нима суртгандингиз?

Иқбол қараса ҳалиги кишиларнинг юзига бир нималар тошиб кетган.

-Ҳаммасига анави кремнинг сабабчи бўлса керак. Суртганингдаёқ юзим бир қизиди, бир қизиди. Илгарилари сан суртганингда ҳеч бунақа бўлмасди, шекилли-а Боймирза? – деди бир отахон. Боймирза ака ўйлаб қараса, Иқболжон юзга суриладиган крем ўрнига дорилик учун олиб келинган кремни суртган экан. Ҳақиқий юзга суртиладиган крем эса тортмада турибди...

Шундай қилиб Иқболжон "чала сартарош" лақабини олди.

**Шавкат ОРТИҚОВ**

## "ҲАЛОЛЛАБ ОЛ-Л..."

***Анча йиллар муқаддам бўлиб ўтган бу воқеани Нуробод туманидаги Жом қишлоғи аҳли ҳамон яхши эслашади. Шоди бобо эса самимий ва соддадил ғамхўрларидан сираям хафа бўлмайди, аксинча, кулиб қўя қолади.***

Абдимуроднинг бошқа илoжи қолмаганди. Туман маркази узоқ бўлса, машина топилмаса, телефон бўлмаса, устига қиш ҳавоси. Ноилож жиянининг дардини мол дўхтири Вали акага айтишга, ундан ҳарна ёрдам сўрашга қарор қилди. Ҳар ҳолда дўхтир деган номи бор, фаҳми етади деган умидда уни уйига бошлаб келди.

Тўсатдан бетоб бўлиб, гавдасини тута олмай қолган беморни Вали дўхтир обдон сўроққа тутди. Бугунча кепакни қиздириб, латтага ўраб, белига босишни, эртага эса, албатта, шифокорга учрашиш кераклигини айтди. Дард ўтиб кетади деб ҳаммасини тинчлантирди.

Кўнгли таскин топган Абдимурод дўхтирга илтифот кўрсатиб, дастурхонга таклиф этди. Иккиси овқатдан олдин бир ароқни ағдаришди. Овқат келтирилиб, иккинчи шиша ҳам очилди. Шодининг соғлиғи учун ширин гаплар такрор-такрор айтилди. Бир маҳал кайфи таранглашиб қолган дўхтир ёнида ётган беморнинг икки қулоғидан иккала қўли билан (худди сигирнинг қулоғидан тутгандек) ушлаб олди-ю, кўзларини юмиб, бироз жимиб турди, сўнгра "Нечаво, яхлаган эмас, во бўлади" деди бош бармоғини кўрсатиб. Бу хабар учун ҳам қадаҳлар уриштирилди. Сўнгги пиёлалар сипқорилгач, дўхтир ўрнидан қўзғалди. "Ҳошимнинг ҳам ҳўкизи касал, кўришим керак" дея гандираклаб эшикка йўналди. Хайрлашиш чоғида дўхтир сўнгги хулосани айтди: жўр-ра, эрталабгача кут, агар тузалмаса (қўлини пичоқ қилиб ўз бўғзига тиради) тортиб юбор-р... Ҳалол-лаб ол-л...

**Ўктам ҚУРБОН**

## ҚИММАТГА ТУШГАН ЗИЁФАТ

***Маҳалладаги бойваччаларнинг одатдаги зиёфатларидан бирида гап ноанъанавий мавзу – адабиётга бориб тақалди.***

-Китоб ўқимай қўйганимгаям йигирма йиллар бўлди-ёв, - дея кабоб чайнаб сўз бошлади Икром ака, - охирга марта Азиз Несиннинг "Истамбул фожиаси" деган китобини ўқиганман.

-Акагинам адашмадиларми? – муғомбирона илжайди Нажмиддин. – Кечирасиз-у, сиз айтган китобни менам ўқиганман. Фақат муаллифи Драйзер деган одам эди.

Хуллас баҳс узоққа чўзилди. Ҳар икки томон гаров бойлашди. Ютқизган шу даврадагиларни йиғиб, "юз долларлик зиёфат" уюштирадиган бўлди. Ҳангоматалаб улфатлардан бири машина билан бориб Баҳром муаллимни олиб келадиган бўлди.

Муаллимни обдон "меҳмон" қилишгач бояги баҳснинг ечимини сўрашди. Баҳром ака аввал ҳайрон бўлди, уларнинг ҳазиллашмаётганига амин бўлгач: асарнинг асл муаллифи ким эканлигини айтди. Унга қадар ҳар иккала томон ҳам умид ва ҳадик билан муаллимнинг оғзига қараб туришганди.

-Демак, икковимизники ҳам тўғри эмас экан-да, - деди салмоқли оҳангда Нажмиддин, - икковимиз ҳам "юз долларлик зиёфат"дан қутилибмиз-да бўлмаса?!

-Бекорларни айтибсан, - тўнғиллади даврабоши Жўрақул милён, - икковингам ютқаздингми икковингам зиёфат берасан. Боягина келишгандик-ку. Мана шунча гувоҳ ўтирибди-я.

Хуллас, иккала улфат ўринсиз баҳс машмашасидан иккита олий мақом зиёфат бериш билан қутулишди.

**Иқбол ҲУМОЮН**

## ГУЛГА БУРКАНГАН "ГУЛИСТОН"

***Кейинги пайтларда мамлакатимизда шаҳарлар билан бирга қишлоқларимиз ҳам гўзаллашиб, чирой очиб бормоқда. Пахтаобод туманининг қўшни Қирғизистон далаларига туташ "Гулистон" ширкат хўжалигига кириб борар эканмиз, ана шундай манзарага юзма-юз келамиз.***

Хўжалик ҳудудидан кесиб ўтувчи кенг, равон йўлнинг ҳар икки томонида қулф уриб, очилиб турган анвойи гуллар ҳар қандай кишига завқ бағишлайди. Хўжаликнинг номи ҳам бежиз "Гулистон" аталмаган, экан.

Мазкур жамоа тумандаги энг илғор, хўжаликлардан бири. Табиийки, барча андижонликларга хос, меҳнатсеварлик, ғайрат хўжалик ободончилигига асос бўлди. Шу боис, давлатга пахта сотиш режаси сентябр ойининг ўртасида ошиғи билан уддаланган эди. Пахтакорларнинг тинимсиз меҳнатлари самараси ўлароқ, жорий йилда пахта ҳосилдорлиги гектарига 35,7 центнерни ташкил этди. Хўжаликнинг фақат шу соҳадан олган ялпи даромади 241875 минг сўмдан ошиқ деб, хомчўт қилишаяпти.

**ИСЛОҲОТ**

Жамоада 693 гектар ерга экилган ғалланинг ҳар гектаридан 73 центнердан ҳосил етиштирилиб, давлат омборларига 4126 тонна сара дон топширишди. Режадан ортган ғалла эса 350-900 килограммдан хўжалик аъзоларига бўлиб берилди.

Хўжаликнинг пиллачилик соҳасидаги ютуқлари борасида ҳам икки оғиз гапириб ўтамиз: бу йил етиштирилган пилла хирмони 20 тоннадан ошди, олинган даромад эса 12352 минг сўмни ташкил этмоқда.

Ҳар бир хўжаликдаги аҳвол бевосита уни бошқараётган раҳбарга боғлиқ, албатта. 1999 йилнинг 8 августи, тўғрироғи, Шавкат ака Жалилов раҳбар этиб тайинлангунга қадар хўжаликнинг давлатдан қарзи 200 миллион сўм атрофида эди. Раиснинг ишбилармонлиги, ташаббускорлиги натижасида хўжалик бўйнидаги катта миқдордаги қарз батамом узилди. Иқтисодий аҳвол кун сайин ўнглана борди. Ғаллачиликда ҳам, пахтачиликда ҳам ҳосилдорлик орта борди. Аҳолининг турмуш шароити ҳам бир мунча яхшиланди. Яқинда хўжалик ҳудудидаги Қирғизқўрғон маҳалласига биринчилардан бўлиб зангори олов кириб борди. Тез орада хўжаликдаги барча турар жойларни газлаштириш мўлжалланган.

Хўжаликда амалга оширилган ободончилик ишлари ҳам ниҳоятда эътиборли. Тўғриси, шу пайтга қадар бирор бир хўжаликда хотира майдони ташкил этилгани хусусида эшитмаган ҳам, кўрмаган ҳам эдик. Ширкат марказидан ўрин олган мўъжазгина зиёратгоҳ дарров эътиборимизни тортди.

-Бу ёдгорлик мажмуаси 2000 йил Хотира ва қадрлаш куни арафасида очилганди, - дея бизга тушунтирди хўжалик бош ҳисобчиси Набижон ака. – Бу ерда иккинчи жаҳон урушида шаҳид кетган 86 нафар Ватан ўғлонларининг номлари битилган. Мажмуанинг очилиш маросимида хўжалик ҳудудида истиқомат қилувчи катта-кичик шу ерда тўпланишди. Камтарона дастурхон тузалиб, ош тортилди. Майдондан ўз жигарларининг зарҳал ҳарфлар билан битилган исм-шарифини топиб, ўзини тутолмай йиғлаб юборганлар ҳам бўлди.

Ҳақиқатан ҳам, Мотамсаро она ҳайкали қад ростлаган, саҳни анвои гулларга бурканган хотира мажмуасининг барпо этилиши барчанинг кўнглидаги иш бўлибди. Меҳнаткашлар билан суҳбатлашган чоғимизда бунга яна бир карра амин бўлдик.

**Дилшод ПАРПИЕВ**

## СУҒОРИШ ИНШООТЛАРИ СОЗ БЎЛСИН!

***Самарқандда Республика сув омборлари ва йирик сув иншоотларини хавфсиз ишлашини таъминлаш масаласига бағишланган семинар-кенгаш бўлиб ўтди.***

Семинар Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ва Сув хўжалиги иншоотларининг техник ҳолатини назорат қилиш Давлат инспекцияси билан биргаликда унда Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятлардан сув хўжалиги ташкилоти раҳбарлари ва мутахассислари иштирок этишди. Семинар иштирокчилари

**КЕНГАШ**

Жиззах, Қашқадарё, Навоий ва Самарқанд вилоятларини сув билан таъминловчи республикада энг йирик сув тизимларидан бири бўлган "Зарводийсув" бошқармаси тасарруфида бўлган Каттақўрғон, Оқдарё сув омборларининг ва Равотхўжа, Дамхўжа, Нарпай каби йирик сув иншоотларини ишлатиш жараёнлари билан танишишди. Улар республикада ҳозирчалик ягона бўлган "Зарводий" ҳавза тизимини бошқарувида компьютер тизимидан фойдаланиш усулига юқори баҳо бердилар.

Тадбир давомида улар сув иншоотларини келгусида хавфсиз ишлашини таъминлашга тааллуқли фикр ва мулоҳазаларини билдиришди.

Семинар-кенгашда Республика Бош вазирининг ўринбосари, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазири Т.Холтоев ва вилоят ҳокими Ш.Мирзиёев иштирок этди.

## ЕТТИ ИҚЛИМДАН БИР ШИНГИЛ

### ШИМОЛИЙ ИТТИФОҚ ОЛҒА СИЛЖИМОҚДА

***Шимолий Иттифоқ кучлари Мозори-Шариф яқинида муваффақиятга эришдилар. Иттифоқчиларнинг айтишича, АҚШ ҳаво ҳужумлари толибларнинг артиллериясини кучсизлантириб, уларга қулай имконият туғдирмоқда.***



Ҳозирда аксил-толибончилар шаҳардан 60 километр узоқликда туришибди. Агарда улар Мозори-Шарифга янада яқинроқ боришга эришсалар, Афғонистоннинг қўшни давлат билан боғлайдиган транспорт йўлини ўз назоратига оладилар.

### ЖАК ШИРАК ТАКЛИФИ

***Франция президенти Жак Ширак БМТга дарҳол Афғонистонга инсонпарварлик ёрдами кўрсатиш масаласи бўйича халқаро конференция ўтказиш таклифи билан мурожаат қилди.***

У бош котиб Кофи Аннан билан учрашуви чоғида мазкур конференцияда ривожланган давлатлар, ноҳукумат ташкилотлар ҳамда Афғонистонга қўшни мамлакатлар вакиллари иштирок этиши лозимлиги ва шу билан бирга, "Толибон" раҳбарияти ўрнига келгусида мамлакатни бошқарадиган янги ҳукумат тақдири хусусида ҳам фикр алмашди. Бундан ташқари ҳозирда расмий Париж, агарда АҚШ ёрдам сўраб мурожаат этса, дарҳол Афғонистон томон йўналтириш мақсадида 2000 кишилик ҳарбий контингентини тайёрлаб қўйган.

### ГЕРМАНИЯ ҲАМ ИШТИРОК ЭТАДИ

***Германия хавфсизлик кенгашининг шошилинч ўтказган мажлисида Қўшма Штатлар сўровига биноан антитеррор кампаниясида иштирок этиш учун бир йил муддатга 3900 кишилик ҳарбий бўлинма афғон тупроғига жўнатилиши ҳақида келишиб олинди.***



Канцлер Герхард Шрёдернинг айтишича, юборилажак бўлинма таркибидан десантчилар, шифокорлар ҳамда техниклар ўрин олган. Бу билан расмий Берлин НАТО олдидаги ўз вазифасини бажарган ҳисобланади.

### ТОЖИКИСТОН ТЕРРОРГА ҚАРШИ

***Тожикистон президенти Имомали Раҳмоновнинг маълум қилишича, ҳозирда АҚШ мутахассислари антитеррор кампанияда фойдаланиш учун Кулоб, Қўрғонтепа, Хўжанддаги 3 та ҳарбий базани кўздан кечирмоқдалар.***

Унинг айтишича, базалардан битта ёки иккитаси танлаб олинса керак. Бу ҳақда Раҳмонов Душанбеда Туркия президенти Аҳмад Сезар билан учрашуви чоғида террорга ва ноқонуний гиёҳванд моддалар савдосига қарши биргаликда курашиш борасида декларация имзолаганидан сўнг фикр билдирди.

### РОБЕРТСОН АДОЛАТЛИ ДАВЛАТ ТАРАФДОРИ

***НАТО Бош котиби Жорж Робертсон Македонияга ташрифи чоғида президент Борис Трайковский ва ҳар икки томон сиёсатдонлари билан учрашди.***



Бош котиб "Биз қонун ва адолат устувор бўлган янги Македония ҳукумати тарафдоримиз" деди музокаралар сўнгида ҳамда мамлакат раҳбарияти 200 жангари устидан қўзғатган жиноий ишларни тўхтатишга ва ҳарбий жиноятларда айбланиб озодликдан маҳрум этилган 70 нафар албанларни озод этишга тайёрлигини маълум қилди. Ундан аввалроқ эса президент Трайковский инсониятга қарши жиноят қилмаган барча жангарилар авф этилишини айтган эди.

**ИНТЕРНЕТ хабарлари асосида**
**Камолиддин АЛИОХУНОВ тайёрлади.**

## ТАЪТИЛ БЕҲУДА ЎТМАЙДИ

***Мамлакатимиздаги барча умумтаълим мактаблари ўқувчиларининг кузги таътили давом этмоқда.***

Шу боис болаларнинг бўш пайтларини намунали тарзда ташкил этишга муносиб ҳисса қўшиб келаётган Республика ўқувчилар техник ижодиёти маркази фаолияти бир қадар жонланган.

Марказ ва унинг бўлимларида ўқувчилар бошланғич техник моделлаштириш, қишлоқ хўжалик машиналари, миллий ҳунармандлик ва дизайн, табиатни муҳофаза қилиш, транспорт, кимё, саноат, маиший техника йўналишлари бўйича таълим олиб, ихтирочилик сир-асрорларини ўзлаштиради.

- Марказимизда техника илмидан сабоқ берилиши билан бир қаторда, маънавий-маърифий ишларга ҳам алоҳида эътибор берилади,- дейди унинг раҳбари Т.Қорабоев. - Жумладан, техника соҳасининг бўлғуси кадрлари учун таътил кунларида тарихий обидалар, истиқлол иншоотлари, музейларга саёҳатлар, турли мавзуларда тадбирлар ташкил этилмоқда.

**(ЎзА)**



**Жиззах вилояти Ғаллаорол туманидаги "Матлуботсаноат" ишлаб чиқариш ҳиссадорлик жамияти аъзолари ҳозирги кунгача 200 минг шартли банка мева шарбатлари, маринадлар ва томат пастаси тайёрлади. Улар жорий йилнинг якунигача яна 150 минг шартли банка маҳсулот ишлаб чиқариш учун ҳаракат қиляпти.**

**СУРАТЛАРДА: цех бошлиғи Анвар Одилов ва ҳиссадорлик жамияти раиси Акрам Сатторовлар сотувга чиқарилаётган маҳсулотларни кўздан кечирмоқдалар; тайёр маҳсулотлар.**

К.ЖЎРАҚУЛОВ олган суратлар.

## МУЛК СОҲИБИ

(Боши 1-бетда)

-Биласизми, - деди Ботиржон андек ўйланиб туриб. – Чорва ҳалол соҳа, унда барака бўлади, ҳаром-харижни, ғирромликни ёқтирмайди. Шундай экан, чорвани ичида нон ейман деб юрган одам у соғувчи бўладими, молбоқарми, раҳбарми, ким бўлишидан қатъий назар ҳалол бўлиши керак. "Э, бу мол-ку" деб ҳайвонларга беписанд муносабатда бўладиганлар фақат ютқазадилар. Бундайларни кўп кўраяпмиз ҳаётда. Бошқа савол бермадик. Тўғриси, биз мухбирлар кўп дуч келадиганмиз – айрим ютуқ пешволари сингари ундай қилодирмиз, бундай қилодирмиз деган баландпарвоз жавобни кутгандик. Суҳбатдошимиз айни вақтда, тўғрисўз, содда ва самимий ҳам экан.

Бир сўз билан бор ҳақиқатни айтди, барча ютуқлар омилини шарҳлаб қўя қолди. Тўғри-да, ҳалоллик нафақат чорва учун, балки барча соҳадаги равнақ учун энг аввалда керак бўладиган фазилат эмасми? У бор жойда барака аримайди, ишдан унум, жамоа аҳли орасидаги муносабатлардан тўғрилик кўтарилмайди. Шунга доимо амал қилиниб иш юритилаётганлиги туфайли Ботиржон раҳбарлик қилаётган хусусий чорвачилик мажмуидаги ишлар кундан-кун ривож топаётгани ҳам бор гап. Бўлмаса, бор ҳақиқатни очиқ ойдин айтадиган бўлсак, хусусийлаштиришдан энг кўп жабр тортган соҳа ҳам асосан чорва бўлди. Бундан мақсад аслида бошқа эди-ю, аммо кўп жойда натижа бошқа бўлди. Хусусийлашса, бу тармоққа бўлган муносабат ҳам яхшиланади дейилганди. Лекин, аксарият туманларда чорва эгасига тушмади. Нафси ҳакалак отган, нопок кимсалар қўлига ўтиб қолди. Натижада асли ҳалол бўлган тармоқдан ҳалоллик қочди, қут-барака кўтарилди. Минг-минглаб бош зотдор моллар йўқ қилиб юборилинди. Эҳтимол, бу каби қаллобликларга йўл қўйилмаганда гўштнинг, сут-қатиқнинг нархи ҳозиргидан сал арзонроқ бўлармиди? Серобчилик – арзончилик дегани-ку ахир. Нима бўлганда ҳам чорвага нисбатан ўйин қилмаган, ғирромликка йўл қўймаган мулкдорлар фақат ютишди.



Улар бугунга келиб ўзларини бой, қўл остидагиларни тўқ тутиб, истеъмолчиларни ҳам инсоф билан таъминлаб туришибди. Бунга Ботиржон мисол. 1994 йилга қадар у шу фермада оддий зоотехник эди. Чорвани хусусийлаштириб олгач, катта мулк эгасига айланди. Ҳозир тагида хорижий енгил автомашина, қўлида чўнтак телефони. Ҳамқишлоқларидан 60 дан зиёд одамни иш билан таъминлаб қўйган. Бошқача қилиб айтганда, чеккан машаққатлари эвазига бугун меҳнатини роҳатини ҳам кўриб юрибди. Ака-укалари, ёр-биродарлари ҳам қаноти остида. Айни вақтда жамоада 329 бош қорамол бор. Уларнинг 114 боши соғиладиган сигирлардан иборат. Йилқичилик ва қўйчиликка ҳам асос солинган. Мавжуд 125 гектарлик майдонда озуқа экинлари етиштирилмоқда. Хўжалик ўзининг маҳаллий ва чет эл қишлоқ хўжалик техникаларига эга. Чорвадорлар "Дамас" русумли енгил автомашинада ишга қатнашади. Ўзларидан орттириб қишлоқдаги кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам кўрсатишмоқда.

Ботиржон ўзи ўқиган 10-сонли мактабни оталиққа олган. Бу ерда ўтказиладиган спорт мусобақаларига доимо ҳомий, лозим бўлганда, 100 минглаб сўм маблағ ўтказади. Айни кунларда қишлов намунали ўтмоқда. Етарлича озуқа заҳираси жамғариб қўйилган. Ҳисоб-китоблар ҳозирданоқ йилни 25 миллион сўм фойда билан якунланишини кўрсатмоқда. Алоҳида эътироф этишга молик жиҳати унинг 12 миллиони соф фойда бўлади. Эришилаётган бундай иқтисодий натижаларга Шаҳодат Ортиқова, Тожиниса Сотиболдиева сингари сут соғувчилар, Исроил Абдураимов, Тўйчи ва Хўжабек Темирбоевлар ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшмоқдалар.

Ботиржон бугун нафақат ўзи яшаб турган қишлоқда, балки туман аҳли орасида ҳам катта ҳурмат-обрўга эга. Чунки, у истиқлол туфайли мулк эгаси бўлди. Ўзининг изланишлари, тадбиркорлиги, ҳалол меҳнати билан халқига, юртига наф етказаяпти, хизмат қилаяпти. Илло, йигит киши учун бундан ортиқ бахт йўқдир.

**Иброҳим ТОШЕВ,**
**«Қишлоқ ҳаёти» мухбири.**

(Боши 1-бетда)

Ана шу тадбир ўз самарасини, айниқса, ғўза вегетацияси даврида берди.

Ҳазораспликлар бу йил дала ишларини воҳанинг бошқа туманларидан анча олдин – аниқроғи йигирма кунлар илгари бошлашганди. Бошқа туманларда чигит экилаётган пайтда ҳазораспликлар ғўза қатор ораларига ишлов беришга киришгандилар. Бошқа жойларда буғдой ўримига ҳозирлик кўрилаётганда бу ерда ўрим-йиғим қизғин паллага кирганди. Ҳамма вақт ҳам "яхши от кейин чопавермас" экан...

## ҚУТЛУҒ ҚАДАМ

Бу тадбирларнинг барчаси ўз натижасини берди – қарангки, ўтган йилларда қолоқликдан "ном қозонган" "Ҳазорасп" ширкат хўжалиги мавсумда нафақат туманда, балки вилоятда биринчилардан бўлиб пахта сотиш шартномавий режасини уддалади – давлат омборларига уч минг тоннага яқин аъло навли пахта етказиб берилди. Шундан кейин ҳам суръат бўшашиб кетгани йўқ. Топшириқдан ташқари уч юз саксон тоннадан зиёд "оқ олтин" топширишга муваффақ бўлинди.

Жамоанинг Тожибой Эгамбердиев, Жумабой Матёқубов, Йўлдош Оллоназаров каби бош пудратчилари ҳар гектар ҳисобига 42-45 центнердан ҳосил кўтаришди. 50 центнерлик хирмон яратган пудратчилар ҳам анчагина.

Бош ҳисобчи Равшанбек Жуманиёзовнинг ҳозирги ҳисоб-китобларига қараганда хўжалик пахтачиликнинг ўзидан 350 миллион сўмдан зиёдроқ фойда кўради. Бунинг камида 50 миллиони соф фойда бўлиши аниқ. Давлатга сотилган 600 тонна буғдой, пилла, қанд лавлаги, полиз, боғ, сабзавот ва бошқа соҳалардан олинадиган даромад бу ҳисобга кирмайди. Демак, бир сўз билан айтганда, хўжалик бир мавсумдаёқ қолоқликдан қутилди ва дадил қаддини тиклаб олди.

Буни албатта кўп сонли жамоа аъзоларининг ҳамжиҳатликдаги меҳнати самараси деб баҳолаш мумкин. Кўпчилик бир оғиздан "Қутлимуродовнинг қадами қутлуғ келди!" деб тан бериб, эътироф этмоқда.

Хўжалик далаларини айланиб, келгуси ҳосил тадориги бошланганини кўриб, ижарачиларнинг қувончларига шерик бўлиб, уларнинг дил сўзларини тинглаб, айтаётган мақтовларини раисга юзланганимизда, об-ҳавонинг авзойи бузилаётганидан ташвишда эканини кўрдик. "Барча кузги дала ишларини тезроқ тугаллашимиз керак!" – деди у.

**Холмурод ҚУРБОНОВ,**
**«Қишлоқ ҳаёти» мухбири.**

# “ЖУРНАЛИСТ ТОПҚИР ВА ҲОЗИРЖАВОБ БЎЛИШИ КЕРАК”



**(Боши 1-бетда)**

-Қўшни Афғон заминида кечаётган воқеалар, у ерда жойлашиб олган террористик кучларга қарши олиб борилаётган кураш ҳеч биримизни бефарқ қолдирмаслиги керак. Оммавий ахборот воситалари ҳар куни вазиятни мунтазам ёритиб бормоқда. У ердаги террористик марказларни тугатиш мақсадида кечаётган ҳаракатлар, дунё аҳолиси осойишталигини таъминлаш йўлидаги буюк курашдир. Зеро, террор балосининг илдизи қуритилмас экан, сайёрамизда тинчликнинг барқарор бўлиши ҳақида гапириш бефойда.

**-Сиёсий шарҳловчилик, журналистика соҳаси болалигингиздаги орзумиди ёки...**

-Ўқувчилик пайтимдан тарих, жуғрофия фанлари жондилим эди. Ўша қизиқиш, ўша интилиш мени ҳозирги ЎзМУнинг тарих куллиётига етаклаган.

**-Илк бор эфирга чиққан пайтингизни эслайсизми?**

-Ҳа, кечагидай эсимда. 1978 йилнинг декабри эди. Ўзбекистон телевидениесида “Ёшлар” таҳририяти бўларди. Ўша куни кечки пайт беш дақиқа мобайнида бутунжаҳон халқаро ёшлар ҳаракати ҳақида чиқиш қилгандим. Икки ой ўтгач “Бугун оламда нима гап” кўрсатувига бошчилик қила бошлаганман.

**-Шарҳловчи учун энг муҳим хусусиятлар...**

-Холислик, ҳаққонийлик ва чуқур билим. Энг муҳими, тезкорлик ва ҳозиржавоблик бўлиши лозим. Сиёсий шарҳловчи сиёсий жараёнлардан орқада эмас, у билан ёнма-ён юриши керак.

**-Бугунги шарҳловчиларимиздаги ютуқ ва камчиликларни нималарда кўрасиз?**

-Кейинги пайтларда сиёсий шарҳловчиларимиз сафига кўплаб ёшларимиз келиб қўшилаётгани мени ниҳоятда қувонтиради, радио, телевидение ёхуд матбуотдами, уларнинг ҳар бир чиқишини кузатиб бораман. Афсуски, улар фаолиятида бир қатор камчиликлар яққол кўзга ташланиб қоляпти. Матбуотда берилаётган мақолаларнинг аксарияти қуруқ гап ёхуд ғиж-ғиж рақам ва фактлардан иборат бўлиб қолаётир. Кўпгина журналистларимиз воқеани чуқур таҳлил қила билишмайди, ўзлари моҳиятини тушуниб етмаган масала хусусида фикр юритишадими-ей! Сиёсий шарҳда фақат тафсилот эмас, чуқур таҳлил, таққос, муносабат ва журналистнинг шахсий нуқтаи назари акс этиши лозим.

**-Сиз қадрлайдиган фазилат ва Сиз нафратланадиган иллат?**

-Камтарлик ва ростгўйликни қадрлайман, худбин ва иккиюзламачи кишилардан чин маънода нафратланаман.

**-Сизнинг тасаввурингизда комил инсон қандай хислатларга эга бўлиши лозим?**

-Комил инсон деганда теран тафаккурга, соғлом дунёқарашга эга бўлган, халқ манфаатини шахсий манфаатидан устун қўядиган, элим деб, юртим деб яшайдиган, кучни билим ва тафаккур тимсолида кўра оладиган кишилар кўз олдимга келади.

**-Шиорингиз?**

-Дил ба ёру, даст ба кор.

**-Ҳаётда кечиримлимисиз?**

-Қуръони каримда ҳам, ҳадиси шарифда ҳам кечиримли бўлиш қайта-қайта таъкидланган. Кечиримлилик тарафдориман, кек сақлашни ёмон кўраман. Бироқ, йўлингизга ғов бўлиб, қисматингизга болта урмоқчи бўлган, ҳассага таянтириб қўйишга ҳам тайёр кимсаларни кечиролмас экансиз.

**-Яна бир анъанавий савол: бўш вақтларингизда нима билан шуғулланасиз?**

-Спортни болалигимдан севаман. Мусиқа тинглашни ёқтираман. Комилжон Отаниёзов қўшиқларини сел бўлиб тинглайман, ўзим ҳам қўшилиб хиргойи қиламан. Имкон қадар бўш вақтларимни яқинларим, дилтортар кишилар билан ўтказишга ҳаракат қиламан.

**-Мутолаа-чи?**

-Кўпинча илмий-сиёсий адабиётларни ўқийман. Даврий нашрларни мунтазам кузатиб бораман. Бадиий адабиётни камроқ ўқийман. Асосан мумтоз шоирларимизни севиб мутолаа қиламан. Навоий, Бобур, Нодира, Огаҳий... Энг севган асарим - “Ўтган кунлар”.

**“Қишлоқ ҳаёти” газетаси муштарийларига тилакларингиз?**

-Мамлакатимиз аҳолисининг 65 фоизи қишлоқларда истиқомат қилади. Қишлоқларимиз ҳам истиқлол шарофати билан чирой очиб бораётир. Дарҳақиқат, қишлоқ ривожланмас экан, шаҳар ҳам тараққий этмайди. Сизнинг газетангиз ҳам фақат қишлоқдагиларнинг эмас, шаҳарликларнинг ҳам севимли газетасидир. Газетхонларингиз оиласини тўкинлик, фаровонлик, бахт-саодат тарк этмасин. Илоҳим, соғ-саломат бўлишсин.

**Рустам ЖАББОРОВ суҳбатлашди.**



*ТОЛЕИНГ ОЙДИН БЎЛСИН, КЕЛИНЧАК!*

Б.АКРАМОВ сурат-лавҳаси.

# ЧОРВАДОРЛАР УСТОЗИ

***Ҳаётда шундай инсонлар борки, шижоат, матонат ва иродани маслак тутиб, комиллик сари интиладилар. Комилликка элтадиган йўл эса илм машаққатларидан иборат. Айниқса, бутун умрини илм-фан учун бахшида этиб, унинг паст-баландликларини енгиб яшаган инсондан ҳар қачон ибрат олсак, арзийди. Не ажабки, бу тоифа инсонлар ўта камтаринлиги, фидойилиги билан ғурур отига минмайдилар. Шунинг учунми, ич-ичимиздан уларга ҳавас қиламиз, ҳурмат ҳисси билан устоз, дея улуғлаймиз.***



“Наслэлита” ИИБ Ўзбекистон чорвачилик илмий тадқиқот институтида биз Юқорида таъриф этган ҳазрати инсонлар тоифасига мансуб, бутун илмий фаолияти давомида юзлаб шогирдларнинг эҳтиромини қозонган устоз бор.

Профессор Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, айни пайтда институтнинг чорва ҳайвонларини озиқлантириш ва озуқа сифатини яхшилаш бўлими мудири бўлиб фаолият юритаётган Кеуденбай Карибаевич Карибаевни нафақат юртимизда, балки МДҲ давлатларида ҳам қишлоқ хўжалик соҳасини ривожлантиришда ўз изланишлари билан ҳисса қўшган таниқли олим сифатида билишади.

**ИБРАТ**

Унинг болалиги қийин паллада – иккинчи жаҳон уруши туфайли юрт тинчлиги, эл осойишталиги унутилган, оқибатда мурғак болалар ҳам оғир меҳнат чиғириқларига дуч келган пайтларда кечди. Ана ўша дамлардаёқ ёш Кеуденбай қишлоқ шароитида ўсиб-улғаётгани, бу ердаги муаммолар унга яхши таниш бўлгани учун келажагини айнан қишлоқ хўжалиги соҳасида илмий янгиликлар яратишга бахш этишга азму қарор қилди. Бу ният уни Тўрткўл қишлоқ хўжалик техникумига, сўнг Самарқанд қишлоқ хўжалик институтига етаклади. Табиий, талабаликнинг олтин даври, кейин аспирантурада илмий изланишлар...

Тинимсиз меҳнат, қобилият, кенг дунёқараш самараси ўлароқ Ленинград шаҳрида номзодлик, Москвада докторлик диссертацияларини муваффақиятли ёқлади. Ўз навбатида билими ва тажрибасини издошларига ўргатиб, чорвачилик илмий-тадқиқот институтида шу соҳа бўйича кучли мутахассислар тайёрлашда куч-қувватини аямади. Фан ютуқлари ва илғор амалиётни кенг тарғиб этиш учун 300 дан зиёд илмий мақолалар чоп этди, 40 дан ортиқ ишлаб чиқаришга наф келтирувчи тавсияномалар ёзди.

Шуниси аҳамиятлики, Кеуденбай Карибаев раҳбарлигида ишлаб чиқилган илмий ечимлар қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришига жорий этилиб, ҳар йили 3,5-4 миллион сўм миқдорида иқтисодий самарага эришилмоқда. Масалан, ёғи олинмаган сут ўрнини босувчи сунъий сут билан бузоқларни боқиш ёки табиий гилмоялардан чорва моллари ҳамда паррандалар рационида фойдаланиш сингари илмий ечимлар шулар жумласидандир.

Бор иқтидорини, кучини тараққиёт учун ҳисса қўшишга бағишлаган олим 70 ёшни қаршилаш арафасида турибди. У ғайрат билан янги ижодий режалар устида ишлашни бир зум ҳам тўхтатгани йўқ. Олим тайёрлаётган юқори малакали кадрлар сафи эса тобора кенгаймоқда.

Шундай шижоат Кеуденбай оғани ҳеч қачон тарк этмаслигини истаб қоламиз.

**Ислом ХУШВАҚТОВ,**
**қишлоқ хўжалик фанлари номзоди.**

# САИД АҲМАДНИНГ ЧОРБОҒИ

**(Боши 1-бетда)**

Радио мухбири ёзувчига “ҳозир қандай асар устида ишлаяпсиз?” дея савол берган чоғи, Саид Аҳмад ака: “Ҳурматли радиотингловчилар бизни тинглаб ўтирган ёзнинг шу сўлим оқшомида мен Катта Фарғона канали сувига оёғимни солинтирган кўйи канал ҳақидаги “Қирқ беш кун” рўмонини ёзяпман...” дедилар. Ўшанда беихтиёр юрагим орзиқиб кетган, ич-ичимдан домлага ҳавасим келган ва ўша кундан бошлаб “Қирқ беш кун”нинг китоб бўлиб чиқишини интизорлик билан кута бошлаган эдим.

Ниҳоят, рўмон босилиб чиқди.

Бу канал ҳақидаги, Инсон қисмати ҳақидаги, қишлоқ одамларининг соф, беғубор қалби, уларнинг дарду ташвишлари, орзу-ўйлари, севги-муҳаббатлари ҳақидаги лирик тарона эди. Тарона бўлганда ҳам, фақат ва фақат Саид Аҳмаддек сўз санъаткоригина “ижро эта оладиган” дилбар бир тарона эди.

Орадан кўп йиллар ўтгач, 1998 йилда нашр этилган “Йўқотганларим ва топганларим” китобида домла “Уфқ” трилогиясининг биринчи китоби - “Қирқ беш кун” рўмонининг ёзилиш тарихи ҳақида тўхталиб шундай ёзадилар:

“Ўқувчилар нега романнинг биринчи китобини кейин ёздингиз, деб сўрашади.

Катта Фарғона канали қурилиши худди плакатга ўхшаш тантанали бир ҳодиса эди. Унда инсон изтиробларини, алам-андуҳларини топиб бўлмасди... Ҳеч ким ҳеч кимга ишла, деб айтмайди. Ҳар ким ўз хоҳиши билан ишлайди. Ишлаганда ҳам қотириб, қойил қилиб ишлайди. Ҳатто кечалари ҳам машъала ёқиб ишлайди. Бу ерда пул ҳеч кимга керак бўлмайди. Ҳамма нарса текин. Одамларга зўрлаб овқат едираётганга ўхшаб кетарди. Водийликлар араваларда қўй, қопда гуруч, сабзи-пиёз, сават-сават нон олиб келиб трасса бўйларига ўчоқ қуриб, дастурхон ёзардилар. Чоллар ўғилларини, невараларини эргаштириб келиб, одамларга аралашиб кетмон чопавердилар. Чанг-тўзонлар орасида раққосалар ўйинга тушардилар. Кечалари минг-минглаб машъалалар ёруғида Ҳалимахонлар, Жўрахону Маъмуржонлар патнис ашула қилардилар. Бир томонда аския, бир томонда қўшиқ.

Шу воқеалардан роман чиқариб бўладими? Ҳадеб ер қазиди, ҳадеб план бажарди, деб ёзган билан роман бўлмайди-ку. Бунда инсон тақдири, изтироблари бўлиши керак. Ҳатто фожеалар содир бўлиши керак.

Ана шунинг учун ҳам трилогиянинг икки китобини ёзиб озроқ тажриба орттиргандан кейин бунисини ёзмоқчи бўлдим...”

Шундан сўнг улуғ адибимиз рўмонни ширадор, қизиқарли қилиш учун асарга тўқима образ – Азизхон образини киритганини, уни “далаларга сув бермай пастликларга” оқадиган, бир жини қўзиганда тошиб, далаларни пайҳон қиладиган асов дарё – Норин билан параллел тасвирламоқчи бўлганини “Азизхон билан Лутфинисса ўртасидаги ишқ можароларини бутун роман оқимига ёйиб чиққанини” ёзади. Шу кўйи китобхонни ўз ижодий лабораториясидан баҳраманд этади.

Ва бундан кўринадики, асардаги бир қатор образлар бу – ёзувчининг бадиий тўқимаси. Бироқ, китобхон рўмонни ўқир экан, каналчилар ҳаётига, улар тақдирига сингишиб кетган бу образларнинг тўқима эканлигини хаёли кўчасидан ҳам ўтказмайди. Азизхонни ҳам, Лутфиниссани ҳам ўз оғаси, ўз синглиси каби севиб қолади. Китобхон Лутфиниссанинг фожеали ҳалок бўлиши, жонидан ортиқ кўргани севгилисининг қонига беланиб ётгани устига келиб қолган Азизхоннинг отига қайта миниб, бир олам қайғу-алам билан куйиб-ёниб қоронғи кечада қотил изидан кетиб бораётган жойларини ўқиганда ўзини тутолмай қолади. Рўмон шу қадар табиий, таъсирчан.

“Қирқ беш кун”да яна бир образ бор...

## *ТЎРТКЎЛДАГИ БОҒ. ЖАВОБСИЗ СЕВГИ*

Тўрткўлдаги боғу, жавобсиз севги... Бир-бирига мутлоқ уйқашмаган бу сарлавҳани ўқиб сал-пал ажабланишингиз табиий. Бердисини айгунча шошманг. Шундай қилиб, рўмонда бир образ бор. Бу – тиббий ҳамшира Вазира. Ҳар қандай йигитнинг ақлу хушини олишга қодир, гўзал, офатижон аёл.

“У сув бўйидаги курсида пардозни жойига қўйиб, ўтган-кетган йигит-ялангнинг кўзини ўйнатарди. Ҳатто Ғафур Ғулом ҳам унинг ёнидан лоқайд ўтиб кетолмаган. Сутга чайилгандек оппоқ юзларига, анордек қип-қизил лабларига, нилдек қора қош-кўзларига тикилиб туриб бирдан шеър айтиб юборган:

**Юз қизил, лаблар қизил,**
**Бармоқ учи ҳам қип-қизил,**
**Қош қаро, кўзлар қаро,**
**Ҳеч бўлмасин бахтинг қаро!”**

Ана шу куйдирмажон жувон десангиз канал қаҳрамони Азизхонни жонидан ортиқ яхши кўриб қолади. “Аёллик назокати, ишвалари билан йигит қонини кўпиртирмоқчи, йўлдан тойдирмоқчи бўлади”. Аммо, Азизхон бепарво. У фақат бир қиз – Лутфиниссанигина севади, уни дейди.

Ҳар қанча уринмасин, йигитни ўзига “ром қилолмаган” Вазиранинг қалбида Лутфинисса фожеали ҳалок бўлгач, бир илинж пайдо бўлади-ю, эридан, уй-жойидан кечиб, Азизхон вақтинча яшаётган чодир олдига келади.

“Чодир атрофи қоронғи. Қалин толлар орқасига ўтиб кетган ойнинг бу ерга нури тушмасди.

-Нима қилиб юрибсиз? – дея олди Азизхон.

Вазира жавоб қилмади. Оҳиста ўрнидан туриб тугунни курсига қўйди. Иккови анчагача сўзсиз туриб қолишди. Азизхон зарда билан орқасига бурилмоқчи бўлиб турганда, Вазира титраб-қақшаб гапира бошлади:

-Наҳотки сезмасангиз? Ахир бир ойдирки юрак-бағрим ёнади. Ахир сиз йигит кишисиз-ку, қани эрлигингиз, қани мардлигингиз...

Кейинги сўзлар унинг оғзидан йиғи аралаш отилиб чиқди. Гапиролмай ҳўнграб юборди...

Азизхон эсанкираб қолди. Аста унга яқин келиб ётиғи билан гапира бошлади:

-Опажон, сиз уйли-жойли хотинсиз. Унақа алдамчи хаёлларга берилманг. Мендан нега умид қиласиз? Кечагина бошимга тоғдек кулфат тушган одамман. Бир одам мен учун жонини фидо қилди. Наҳотки унинг хотираси бир ой бўлмай унутилса. Ҳали Лутфиниссанинг тупроғи совугани йўғ-а! Ўзингизни тутинг!

Вазира йиғидан тўхтаб қаддини ростлади.

-Азизхон ака, дунёда ҳамма нарса унутилади. Ким дунёдан тоқ ўтибдики, сиз ўтасиз. Сизни деб уйимни ташлаб чиқдим. Ҳеч қайтиб бормас бўлиб чиққанман. Қаёққа юр десангиз – бораман. Дунёнинг у бурчагига боришга розиман. Фақат, фақат сиз билан бўлсам бўлгани.

Азизхон унинг гапини бўлди:

-Мен ҳеч қаёққа кетмайман. Лутфиниссани ташлаб кетолмайман. Энди умримни Луғумбекда ўтказишга қарор қилдим.

**Ортиқали НОМОЗОВ,**
**“Қишлоқ ҳаёти” мухбири.**

*(Давоми келгуси сонда).*

# ЭҲТИРОМ

**МАЪНАВИЯТ**

***Жиззахлик ижодкор Саййид Азим кўп йиллик изланишларининг маҳсули бўлган “Баҳмалнома” китобини чоп эттирди.***

Халқимизнинг кўп асрлик тарихида Бахмалнинг ҳам ўз ўрни бор. Қадимда Сўғд диёри таркибига кирган бу юртнинг тарихи олис минг йилларнинг қаърига туташиб кетган.

Тоғли воҳадаги Қўрғонтепа, Данғара, Оққўрғон, Нўшкент, Сарюзи қўрғони, Ўсмат, Новқа, Темирқадам сингари кўплаб қишлоқлар ҳам қадим тарихдан қолган излар бўлса, не ажаб.

Сойқишлоқдан топилган “Сукунат” тепалиги зардуштийлик динига оид энг мукаммал даҳма сифатида илмий аҳамиятга молик обида ҳисобланади. Шунингдек, “Қулф қалъа”, “Оймоқ” чўққиси, “Кампирдевор” қалъаси ҳам ўтмишимизнинг тилсиз шоҳидларидир. Бу гўшада буюк соҳибқирон бобомиз Амир Темур номи билан боғлиқ манзиллар ҳам талайгина.

Демоқчимизки, биз бой тарихимиз билан фахрланиб, уни асраб-авайлаб яшашимиз лозим. Негаки, йиллар ўтиб кетаверади, ҳар бир кунимиз тарихга айланиб бораверади. Шундай экан, тарихимизни бутун борлиғи билан сақлаб қолиш, маданий меросимизнинг бебаҳо бойлик эканини одамларга, айниқса, ёш авлодга етказиш барчамиз учун муқаддас вазифага айланмоғи лозим.

Ўсмат қишлоғидаги тарих ва халқ ижодиёти музейига раҳбарлик қилаётган Саййид Азим элимизнинг бир фарзанди сифатида ана шу ишга ўз ҳиссасини қўша олди. Унинг қаламига мансуб ҳикояларнинг ҳар бири ҳарорат билан битилиб, китобхонларни мушоҳада қилишга даъват этади. Бахмалда туғилиб ўсган, бугун мустақил Ўзбекистоннинг фахру ифтиҳорига айланган замондошларимиз босиб ўтган йўл билан батафсил таништиради.

Эътиборга молик жиҳат шундаки, жиззахлик ёзувчилар воҳа тарихини ўрганишга илмий жиҳатдан ёндошиб, янги асарлар яратишга жазм қилишаяпти. “Бахмалнома” китоби бу йўналиш давом этаётганининг амалий ифодасидир. Шоир ва публицист Саттор Қорабоев ҳам навбатдаги асари қўлёзмасини тайёрлаб, уни нашр этиш устида иш олиб бораяпти.

-Янги китобим Зомин тарихининг ҳали кўпчиликка маълум бўлмаган қирраларини тадқиқ этиш мавзуини қамраб олади, - деди ижодий режалари билан ўртоқлашган муаллиф. – Шунингдек, унда қишлоқдошларимнинг шажарасини ўрганиш борасида сўнгги йилларда олиб борилган илмий изланишларнинг сарҳисоби ҳам ўз аксини топади.

**Раҳматилла ЮНУСОВ,**
**Жиззах вилояти.**

# БОШҚОТИРМА



**ЭНИГА:**

2. Ўсимликларнинг кўкариш, ўсиш ва етилиш жараёнлари. 10. Узум тури. 11. Овқат пиширишда қўлланадиган рўзғор асбоби. 12. Ундан тайёрланадиган масаллиқ. 16. Қамрови бир неча юз, ҳатто минглаб километрга етадиган улкан ҳаво гирдоби. 17. Узум етиштириладиган боғ. 18. Шеър айтиш ўйини. 23. Чорва озуқаси бўладиган ўсимлик. 25. Ернинг чуқур қатламида ҳосил бўладиган чўғсимон суюқ модда. 26. Кўркам ва гуллабяшнаган. 27. Мусиқа асбобларидан бирини чалувчи созанда. 29. Мўғилистонда давлат аҳамиятига молик йиғилиш. 30. Бирор истакнинг амалга ошишига бўлган ишонч. 31. Бутуннинг таркиби. 32. Ҳуррият. 38. Корхона, муассасанинг молия ишларини олиб борувчи ходим. 34. Ип, газлама, кийимларга пардоз бериш ёки қотириш учун қўлланадиган модда. 36. “Билмайин ... этма бу майхона аҳлин, зоҳидо” (Навоий). 37. Сонни ифодаловчи белги. 38. Овчи. 39. Эрдан ажрашган ёки бева қолган хотинга ҳомиладорлиги аниқлангунча шариат бўйича эрга тегиш ман қилинган юз кунлик муддат. 41. Хўп. 43. Сон. 46. Чумчиқсимонлар оиласига мансуб қуш. 48. Маҳаллий буғдой. 49. Бойлик. 50. Ҳарбий хизматчиларнинг биринкетин тизилган сафи. 54. Яширинган ёки йўқолган шахсни қидирувчи. 55. Аксинча ранглар тушган фототасвирли плёнка. 56. Осмоннинг шимолий ярим шаридаги юлдуз туркуми.

**БЎЙИГА:**

1. Лава отилиб чиқадиган ёнар тоғ. 3. Бадиий асарда воқеаларнинг тамомланиши. 4. Тўла ривожланган, камолотга эришган. 5. Тепалик ерлар. 6. Ишонч, эътиқод. 7. Нон тури. 8. Юракнинг мушак девори. 9. Ишнинг энг қизғин ёки қисталанг келган вақти. 13. Эркак исми. 14. Гул тури. 15. Йўл-йўл мато. 19. Ўзбек меъморчилигида таниқли кошинсоз усталардан бири ... муҳандис. 20. Фарғона водийси ғарбидаги сув омбори. 21. От зоти. 22. Чин инсонга хос ҳислатлар. 24. Ғарбий Европадаги давлат. 26. Совун қолдиғи. 28. Об-ҳаво шароити. 29. Зиқна. 35. Навоийнинг дўсти бўлган шоҳ. 40. Катта эшик. 41. Ўтмишда юртимизда ёзув-чизув ишларини олиб борган лавозимли киши. 42. Эртадан кейин. 44. Драматик асарнинг бир қисми. 45. Ўрнак. 47. Касб бўйича ҳосил қилинган билим ва қобилиятлар. 50. Оғир юкларни кўтаришга мўлжалланган механизм. 51. Барги овқатга солинадиган дарахт. 52. Эркак исми. 53. Мусбат зарядланган электрод.

**Тузувчи: Ҳусниддин ФАЙЁЗОВ .**

# СПОРТ ОЛАМИДА

## ЎЗБЕКИСТОНГА ЁРУҒ ЮЗ БИЛАН

***Малайзияда дунёнинг кучли каратэчилари иштирокида бўлиб ўтган жаҳон чемпионатида қатнашган 12 нафар спортчиларимиз Ўзбекистонга ёруғ юз билан қайтишди.***



Чунки, ушбу нуфузли турнирда ҳамюртимиз София Калантаровага чемпионалик насиб этган бўлса, Азамат Али Қаландаров ва Дониёр Холматовлар учинчи ўрин соҳибига айланишди ҳамда бронза медали билан тақдирланишди.

## ВАТАНИМИЗ ШАРАФИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШАДИ

***Эркин курашнинг моитай тури республикамизда тобора ривож топмоқда.***



Буни ушбу спорт тури бўйича нафақат мамлакатимизда, балки хорижда ўтказиб келинаётган халқаро турнирларда яхши натижаларга эришаётган Эркин Қутибоев, Бахтиёр Пўлатовлар мисолида кўриш мумкин. Ҳозирда моитайчилар хорижда ўтказилиши мўлжалланаётган кучлилар жангига қизғин тайёргарлик кўришмоқда.

## “БАВАРИЯ”ГА ШАРТ ҚЎЙИЛДИ

***“Бавария” ҳужумчиси Жовани Элбер тезроқ Бразилия терма жамоаси таркибига келиб қўшилмаса, у ҳолда мамлакат футболи конфедерацияси ФИФАга немис клубига нисбатан жазо чоралари қўллаш талаби билан чиқишини маълум қилди.***

Элбернинг ўзини айтишича, ҳозирда у тиззасидан олган жароҳати туфайли уч ҳафтадан буён машғулот ўтказмаётган экан. “Бавария” менеджери Ули Хенесс эса шифокорлар ихтиёрида эканлиги боис, ўйинчисини ҳеч қаёққа юбормаслигини, олий лигада ўйнай олмаган ҳужумчи, терма жамоа таркибида майдонда тўп сура олмаслигини маълум қилди.

## ҒАЛАБА САРИ ИНТИЛИШ

***Россиялик кўзга кўринган ракетка усталаридан бири Татьяна Панова Таиландда ўтказилаётган соврин баҳоси 110 минг АҚШ долларини ташкил этувчи “Volvo Women’s Open” теннис турнирида учинчи босқичга йўл олди.***



У иккинчи давра ўйинларида чехиялик Сандра Клейнова устидан 2 сет бўйича 7:5, 1:1 ҳисобида ғалаба қозонди. Энди у белоруссиялик Татьяна Пучекка қарши кортга тушади.

**Акбар ЙЎЛДОШЕВ тайёрлади.**

Тиббиёт фанлари номзоди, олий тоифали, тажрибали шифокор темирўтки, экзема, герпес, кал ва бошқа тери ҳамда жинсий касалликларни замонавий, янги самарали усуллар билан даволайди, кераксиз сўгалларни, доғларни, холларни, сочларни олиб ташлайди, қулоқларни тешади ва қошларни, кўз-қовоқларни, лабларни кетмайдиган рангли бўёқ билан пардозлайди (татуаж).

Манзил: Тошкент, Навоий-2, Ўрда бекати, ЛНПО “Ўзбекистон”,25-хона.

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Саид АҲМАД, Туроб ХОЛТОЕВ, Азимжон АЮПОВ, Абдурашид БОБОМИРЗАЕВ, Искандар ҚАЛАНДАРОВ, Эркул ЗИКРИЁЕВ, Икромхон НАЖМИДДИНОВ, Бахтиёр ОЛИМЖОНОВ, Комилжон МАМАЖОНОВ, Суннат САЙДАЛИЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), Ҳабиб ТЕМИРОВ (бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Озод ШАРОФИДДИНОВ, Ғафур ШЕРМУҲАММАД (масъул котиб), Шамсиддин ЭСОНБОЕВ.

МУАССИСЛАР: Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, “Ўздонмаҳсулот” корпорацияси, “Ўзмевасабзавотузумсаноат-холдинг” компанияси, “Ўзпахтасаноат”, “Ўзбек ипаги”, Деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмалари, Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси

Телефонлар: Қабулхона - 133-09-93 (факс) 133-40-87 (факс), бош муҳаррир ўринбосарлари — 133-16-27, 133-44-43, котибият — 136-56-26. Ижодий гуруҳлар: 136-56-21, 136-56-25, 136-54-42, реклама ва эълонлар— 136-56-30 .

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ: Қорақалпоғистон Республикаси - 8-361-58-512-17; Андижон - 8-374-2-25-32-23; Бухоро - 8-365-22-648-22; Жиззах - 8-372-33-553-59; Навоий - 8-436-22-588-56; Наманган-8-369-43-311-81; Фарғона - 8-373-61-221-97; Самарқанд - 8-366-233-00-52; Сурхондарё - 8-376-46-526-61; Сирдарё - 8-367-225-41-73; Тошкент - 8-371-136-56-21; Хоразм - 8-362-22-640-80; Қашқадарё - 8-375-22-517-65.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32

Газета сешанба, пайшанба, жума кунлари чиқади

«Шарқ» нашриёт матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Газетамиздан мақолалар кўчириб босилганда «Қишлоқ ҳаёти»дан олинди деб кўрсатилсин.

Навбатчи: Ш.КАРИМОВ

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитаси томонидан 2000 йил 8 августда №00006-рақам билан рўйхатдан ўтказилган. | Буюртма Г— 3008, ҳажми 2 босма табоқ. | Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. | Босишга топшириш вақти 21.00. Босишга топширилди | Газета таҳририятнинг ўзида компьютерда терилди ва саҳифаланди. | 1 2 3 4 5 6.